

Маънавий ва жисмоний соғлом авлод – мамлакат мустақиллигининг пойдевори

Республикамизда маънавий ва жисмоний соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш масаласини давлат сиёсатининг устувор масалаларидан бири сифатида намоён тўлиши бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири эканлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда: “Бизнинг фарзандларимиз биздан кўра ақлли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт”. Мазкур пурҳикмат маъноли сўзнинг негизида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ғояси илгари сурилганлиги табиийдир.

Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий, маънавий тараққиётининг муҳим омилidir. Бу борада ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар диққатга сазовордир. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган муҳим чора-тадбирлар замирида эса ёшларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ижтимоий фаоллиги ошиб бормоқда.

Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш жараёнига жамиятнинг барча институтлари яъни, оила, таълим муассасалари, маҳалла, фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирок этиши, мазкур жараённи мазмун ва моҳиятан илмий-назарий, ҳуқуқий, методик ва амалий жиҳатдан самарали ташкил этиш гаровидир. Бундай ижтимоий фаоллик даражаси ёшларнинг жамоа ишларида иштирок этиш, маданий – марифий тадбирларда иштирок этиш, мактаб ва айниқса мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги фаол иштироклари, мавжуд спорт мажмуаларидан фаол фойдаланиши кабилар билан белгиланади. Ушбу кўрсаткичнинг даражасини юқори бўлиши натижасида республикамизда маънавий ва жисмоний соғлом авлодни шаклланишига олиб келади.

Самарқанд вилоятида ҳам ёшларни маънавий ва жисмоний соғлом авлодни сифатида шаклланишлари учун алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб этиб вояга етказишнинг муҳим воситаларидан бири сифатида болалар спорти ривожлантириш кун тартибидаги асосий масалаларидан бир бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда барча ҳудудларда қад ростлаган замонавий, қулай шароитларга эга бўлган спорт мажмуалари ўғил – қизлар билан гавжум. Улар бу масканда ўзлари истаган спорт турлари билан шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда.

Вилоятимизда спорт мажмуаларини барпо этишда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Самақанд вилоят бўлимининг фаолиятини алоҳида таъкидламоғимиз керак. Мазкур жамғарма тузилгандан буён вилоятимизда 149 та болалар спорти иншоотлари барпо этилгани, улар зарур спорт жиҳозлари ва ускуналари билан таъминланганлиги давлатимизнинг баркамол авлод тарбиясига қаратилган эътибори нақадар юксак эканини англатади. Биргина жорий йилнинг ўзида вилоятимизда 17 та спорт иншооти бунёд этилмоқда. Самарқанд шаҳридаги 3 – сон, Нуробод туманидаги 18 – сон, Каттақурғон шаҳридаги 2 – сон, Оқдарё туманидаги 7 – сон болалар мусиқа ва санъати мактаблари янгидан бунёд этилаёпти. Каттақурғон туманидаги 35 – сон ва Пасдарғом туманидаги 11 – сон болалар мусиқа ва санъат мактаблари эса капитал таъмирланаяпти. Иштихон туманидаги 2 – сон болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ТИП – 5 спорт мажмуаси қад ростлайди. Ургутдаги 23, Булунғурдаги 11, Каттақурғондаги 16, Иштихондаги 42, Тайлоқдаги 24, Самарқанд шаҳридаги 6 ва Каттақурғон шаҳридаги 8 – мактабларда қўшма спорт заллари қурилади. Қўшрабод туманидаги ТИП – 2 спорт мажмуаси, Жомбойдаги 1–сон ҳамда Каттақурғон шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг сузиш ҳавзалари капитал таъмирланаяпти.

Албатта бундай саъй – ҳаракатлар ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига, Республикамизда маънавий ва жисмоний

соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш масаласида амалга оширилаётган давлат сиёсатини мувофақиятли бажарилишига хизмат қилади деб уйлаймиз.